

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10057921>

Абдимуротов Ойбек Уралович

Чирчиқ давлат педагогика университети География кафедраси мудири.

n.ф.ф.д. (PhD)

E-mail: o.abdimurotov@cspi.uz

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳатларнинг олиб борилиши таълим жараёнига илгор – жаҳон тажрибасини қўллаш ва уларни ўрганишни тақозо этмоқда. Бу эса ўқитишнинг янги шакл ва усулларидан фойдаланишга ва уларни такомиллаштиришга сабаб бўлмоқда. Натижада, педагогика соҳасида таълим олувчи талабанинг индивидуаллиги, ўзига хослиги ва эҳтиёжлари доирасидан келиб чиқиб ўқтишнинг ноанъанавий шакллари, яъни талабани мустақил фикрлашга ва ижодий изланишга ундовчи методлари тизимини яратиш долзарб масала даражасига кўтарилиб бормоқда. Бу эса доимо ривожланишда бўлган таълим соҳасига замонавий педагогик технологияларни қўллашни талаб этмоқда. Шу боисдан таълим тизимининг барча босқичларида замонавий педагогик технологияларни қўллаш ҳозирги замон талабидир.

Таълим тизимининг барча босқичларида замонавий педагогик технологияларни қўллаш учун, авваломбор бу таълим муассасаларда дарс берадиган педагогларнинг ўзлари замонавий педагогик технологиялар ҳақида ҳабардор бўлиши лозим, шу сабабли педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ҳар бир мавзуни ўрганиш жараёнида албатта улардан фойдаланган ҳолда мустақил таълимни ташкил этиш лозим. Натижада бундай мустақил таълим орқали икки муҳум вазифа бажарилади. Биринчидан, талabalарга мавзу осон ва ёдда қоларли бўлиб ўзлаштирилади, сабаби турли методлардан фойдаланиб, талabalарнинг мустақил фикрлаши, мушохада қилиши орқали эгаллаган билимлари узоқ вақт хотирада сақланиб қолади. Иккинчидан, бу мустақил таълим орқали талabalар замонавий педагогик технологиялар ҳақида ҳабардор бўлиб, келгуси педагогик фаолиятларида уларни қўллашга оид билим, кўнишка ва малакалари ривожланиб боради.

Демак, олий таълим муассасаларида дарсдан ташқари ишларни яъни мустақил таълимни ташкил этиш жараёнларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жуда яхши самара беради. Шу боисдан география дарсларида мустақил таълимни ташкил этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Таълим тарбия илм-фан маданият ва санъат спортни ривожлантириш масалалари ёшларимизнинг чуқур билимга эга болиши чет тилларини ва замонавий ахборот комуникатсия технологияларини эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади” -деган эди. Мана шундай устувор вазифани амалга оширишда, энг аввало ёш авлодга илмий билимлар асосларини пухта ўзлаштириш орқали уларни креатив фикрлашга ўргатиш, кенг дунёқараш ҳамда тафаккур кўламини кенгайтириш таълим соҳасига замонавий педагогик технологияларни кенг жорий қилишга боғлиқдир.

Шундай экан ҳозирги ахборот асрида яшаб меҳнат қиладиган ёшлар ўзининг касбий қиёфасини шакллантириш учун маълум шахсий ва касбий фазилатларга эга бўлиши талаб этилади. Жамиятдаги турли ўзгаришларни онгли таҳлил этиб, ўз муносабатини билдира олиш, мустақил танқидий фикрлаш, ўз – ўзини бошқариш ва ривожлантириш, касбий мавқейини аниқ белгилаш ва унга интилиш, мустақил таълим олиш каби сифатлар шулар жумласидандир. Бундай сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни бекиёсdir.

Бошқача қилиб айтганда зерикарли дарслар ўрнига дарсларни ташкил этишга масъулият билан ёндашадиган, касбий билимдон, методик маҳоратта эга, масъулиятли, замонавий, интерфаол педагогик технологияни мукаммал ўзлаштириб олган, инновациялар асосида таълимни ташкил эта оладиган ўқитувчиларга талаб ошиб бормоқда. Таълимда моддий база, стандарт, ўқув режалар, дастур ва дарсликлар қанчалик такомиллаштирилмасин, кутилган асосий натижага эришиш, чуқур ва пухта билим бериш, юқори сифатдаги ўзлаштиришга эришиш бевосита назарий ва амалий машгулотлар билан бир қаторда мустақил таълимни ташкил этувчи ўқитувчининг ижодкорлиги, изланувчанлиги, малакасига педагогик маҳоратига боғланиб қолаверади, бу эса, ўқув-билув марказида эса ўқувчи турмоғини тақозо этади.

Ҳозирда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фикрларини оширувчи ҳамда таълим тарбия самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба

тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.


Таълимнинг интерфаол методи XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидан педагогик адабиётларда кенг ишлатилмоқда ва таълим соҳасида фойдаланилмоқда. Унинг асосий мақсади ягона бўлиб, ўқувчиларни мустақил билим олишга қизиқтириш, ўз устида кўпроқ ишлаш, қўшимча адабиётларни ўқиши, замон билан ҳамнафас таълим-тарбияга, мустақил фикр юрита оладиган комил инсонни вояга этказишга хизмат қиласди.

Хозирги кунда янгича методларни таълим жараёнига тадбиқ этиш ҳақида гап борганда интерфаол методларнинг қўллинилиши тушунилади. Интерфаол методлар асосида кечган ўқув жараёнларида ўқувчи танқидий фикрлашга, мураккаб масалаларни таҳлил асосда ечимини топишга, шунга яраша ахборотни излаш, айрим алътернатив фикрларни ўзаро мунозаларда эркин баён қилишга ўрганади ва шундай кўникмалар шаклланади.

Таълим амалиётида фойдаланилаётган интерфаол методлардан география дарсларида мустақил таълимни ташкил этишда фойдаланиш имконияти катта. Мустақил таълимни ушбу методлардан фойдаланиб ташкил этиш ва ўтказиш тартиби турлича бўлиб, таълим жараёнида ушбу методлардан самарали ва мувоффақиятли фойдаланиш география фани ўқитувчисининг педагогик маҳорати ва тафаккур қўламишининг кенглигига боғлиқ бўлади.

Биз қуидида табиий география курсларида мустақил таълимни ташкил этишда интерфаол методлардан фойдаланиш методикасини “Материклар ва океанлар табиий географияси” курси “Африка материги рельефи” мавзуси мисолида кўриб чиқамиз ва мустақил таълим олиш жараёнини топшириклар бериш орқали баъзи методларнинг хусусиятларига ва фойдаланиш методикасига тўхталиб ўтамиз.

1-Топширик. Африка материгида мавжуд рельеф шаклларига оид кластерни тўлдиринг.



Кластер методи талабаларга ихтиёрий муаммо ва саволлар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга имкон беради. Яъни Африка матригидга мавжуд бўлган рельеф шаклларидан ихтиёрий равишда ёзиш мумкин, бу ерда маълум чеклов ва миқдор йўқлиги сабабли талабалар ўзлари билим ва малакасига таянган ҳолда истаганча тоғларни ёки текисликларни ёзишлари мумин. Ундан фойдаланиш талабанинг илмий тафаккурининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қиласи. Яъни маърузада олган билимларига таянган ҳолда тоғлар ва текисликларни, плота ва қирларни, пасттексислик ва ботикларни бир-биридан ажратиб, уларга оид географик объектларни жойлаштириш жараёнида мантикий фикрлаш ҳамда мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари ривожланади.

2-Топширик. Африка тоғларига оид “вен диаграммаси”ни тўлдиринг.



“Вен диаграммаси” методни турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи хусусиятларини аниқлаш, таққослаш имконини беради. Талабалар кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий ва фарқловчи хусусиятларини излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг тегишли қисмига ёзадилар. Бу орқали талабаларга маъruzадан олган назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради.

3-Топширик “ФСМУ” жадвалини тўлдиринг.

<p>Хулоса ёки тоялар</p> <p>“ФСМУ”</p>	<p>Шарқий Африка ясситоғлиги</p> <p>Африкадаги энг катта ва энг баланд тоғ системасидир</p>	<p>Атлас тоғларида 1983-йилда энг фалокатли зилзила содир бўлган</p>	<p>Сахрой и Кабир дунёдаги энг катта чўлдир</p>
<p>МЕТОДИНГ фикрингизни БАЁНКИРИЧИШИ:</p>	<p><i>Ҳақиқатдан ҳам бу тоғ шимолдан жанубга катта масофага чўзилган ҳамда бу тоғда Африканинг энг баланд чўққиси жойлашган</i></p>		
<p>C- кўрсатинг: сабаб</p>	<p><i>Бу тоғ ҳозирги фаол сейсмик минтақада жойлашган</i></p>		
<p>M- келтиринг: мисол</p>	<p><i>Килиманжаро, Карисимби, вулканлари ва Буюк</i></p>		

	<i>Африка ер ёриги шу тоз худудида жойлашган</i>		
У- умумлаштириинг:	<p>Материкнинг деярли бутун шарқий қисми тоғликлардан иборат бўлиб, унинг катта қисмини шу тоз ишгол этади ва бу тоздаги Килиманжаро чўйқиси (5895 м) материкнинг энг баланд нуқтаси ҳисобланади</p>		

“ФСМУ” методи талабаларга умумий фикирлардан хусусий хулосалар чиқаришга, хулоса ва фикрларни таққослашга, маълумотларни тахлил қилиш ва қиёслаш орқали ахборотни мустақил ўзлаштиришга имкон беради, шунингдек мустақил қарор қабул қилиш, ижодий ва мантиқий фикирлаш кўникмаларини шакиллантиришга хизмат қиласди.

“ФСМУ” методини амалга ошириш тартиби.

1. Ҳар бир талабага “ФСМУ” методининг босқичлари ва мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя ёзилган жадваллар тарқатилади (худди юқоридаги каби).

2. Ҳар бир талаба якка тартибда тарқатилган жадвалдаги “ФСМУ”нинг тўрт босқичини таклиф этилган хулоса ёки ғояга нисбатан ўз мустақил фикр ва мулохазаларини ёзма баён этган ҳолда тўлдиради.

3. Ҳар бир талаба ўзи ёзган ФСМУ билан бошқаларга ўқиб эшиттиради.

4. Талабалар барча фикр ва мулохазаларни тинглаб, уларни умумлаштиради, керакли хулосалар шакиллантирилади.

4-Топширик. “Географик тавсифда хато борми” матинни ўқиб йўл қўйилган хатоларни топинг.

Африка дунёдаги қитъалар орасида Евросиё материгидан кейин иккинчи ўринда туради. Материк рельеф тузилишига кўра икки қисмга бўлинади. Материкда тоғлар энг катта майдонни эгаллаган. Ер юзидағи энг катта ва энг қуруқ чўл Сахроий Кабир шу материкда жойлашган бўлиб, унинг ғарбида Тибести тоғлиги, марказида Дарфур платоси ва шарқида Ахагтар тоғлиги жойлашган. Материкда кўплаб ҳаракатдаги ва сўнган вулқонлар мавжуд. Материкнинг шарқий ярим шарида Кения вулқони, ғарбий ярим шарида эса Камерун вулқони бор. Шарқий Африка ясситоғлиги

энг баланд тоғ бўлиб юқори қисмларида музликлар шаклланган. Шундай қилиб, Африканинг марказий ва шарқий қисмлари баланд тоғлардан иборат.

Йўл қўйилган хатолар ва уларнинг тўғри шакли:

1. Евросиё қитъа эмас материк. У Америка ва Осиё қитъаларидан кейин 3-ўринда туради.
2. Материқда тоғлар эмас, текисликлар катта майдонни эгаллайди.
3. Саҳрои Кабир энг катта чўл бўлсада лекин энг қуруқ чўл эмас.
4. Ахагтар ва Тибести тоғлари Саҳрои Кабир чўлининг шарқи ва гарбида эмас балки марказда, Дарфур платоси эса жануби-шарқида жойлашган.
5. Кения вулқони материқнинг шарқида, Камерун вулқони эса гарбида жойлашган лекин материқ асосан шарқий ярим шарда жойлашганлиги учун бу икки вулқон шарқий яримшарда жойлашган.
6. Африканинг шарқий ва жанубий қисмлари баланд тоғлардан, марказий қисми Конго ботигидан иборат.

“Географик тавсифда хато борми” методи талабани ўйлашга, ижодий ва мантиқий фикрлашга, тасвур қилишга, дикқатини бир жойга тўплашга, маърузадан олган билимларини таҳлил қилиб хulosса чиқазишга ўргатди. Бу методни қўллаётганда шу нарсага аҳамият бериш керакки, берилаётган маълумотлар албатта маъруза дарсларида берилган бўлиши керак. Матинни тузайтганда маълумотлар келтирилган жумлалар орасида ҳар доим тоғри маълумотлар ҳам бўлиши лозим, акс ҳолда талаба ҳар бир жумлада хато бор деб, ундаги хатони топиш *uchun* қайта ва қайта ўқиб чиқаверади, бу эса талабани ижодий ва мантиқий фикрлашига, маълумотларни таҳлил қилиб хulosса чиқазишига салбий таъсир қиласи. Агар баъзи жумлалардаги маълумотлар тоғри бўлса, талаба бошқа жумладаги хатоларни дикқат билан ўқиб чиқиб топишга харакат қиласи.

5-Топширик. “Ортиқчасини топ” ва уни изоҳлаб, улар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни асосланг.

“Ортиқчасини топ”

Атлас тоғлари	Бу ерда Кап тоғлари ортиқча.
Кап тоғлари	Сабаби, бошқа тоғлар шимолий ярим шарда жойлашган ҳамда
Ахагтар тоғлиги	улар текислик ҳудудларида вужудга келган, Кап тоғлари эса
Тибести тоғлиги	жанубий ярим шарда жойлашган ҳамда “Баланд Африка”га тегишили
Камерун тоғлари	

“Ортиқчасини топ”

Килиманджаро	
Карисимби	
Кения	
Тубкал	
Маргарита	

“Ортиқчасини топ” методида талабалар мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни кўрсатиш ва шахсий ёндашувларини асослаш орқали мустақил фикрлаш, тенгдошларининг фикрлари билан шахсий мулоҳазаларини ўзаро таққослаш ва мантиқий тафаккур юритиш қўникмаларига эга бўлишади. Бунинг учун топшириқ тузилаётганда яъни мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантираётганда шу нарсага эътибор бериш керакки, улар орасидаги боғлиқлик бир нечта бўлиши (талабалар ҳар хил боғлиқликни топиш учун) лозим. Шундагина талабалар ўз ҳаракатлари моҳиятини шарҳлашга ҳамда улар ўртасидаги мантиқий боғлиқни асослашга ва бу алоқадорликни анализ ва синтез қилишга имкон туғилади.

6-топшириқ. Ўқув адабиётлар, ҳарита ва атласлардан фойдаланиб, “тоифалаш” жадвалини тўлдиринг.

Африка материги рельефи учун “тоифалаш” жадвали

Рельеф ҳосил қилувчи омиллар	Рельеф шакллари тавсифи	Чўкинди жинсларни бир биридан ажратиш	Тоғ жинслари хусусиятлари	Тоғлар ва текисликларнинг географик ўрнига таъриф беринг

7-топшириқ. Ўқув адабиётлар, қўшимча манбалар, ҳарита ва атласлардан фойдаланиб, “Кроссворд” тузиш.

“Тоифалаш” методи ва “Кроссворд” тузиш усулидан уйга топшириқ бериш мақсадида фойдаланилса, талабаларда мустақил ўқиш ва қўшимча манбалар, маълумотномалар, лугатлар, энциклопедиялар, географик ҳариталар билан ишлаш имкониятига эга бўлади ва ижтимоий ва коммуникатив қўникмалари ривожланади.

Одатда уйга вазифа сифатида берилган топшириклар ёзувсиз ҳаритани бўяш ёки саволларга жавоб ёзишдан иборат бўлади. Бунда талабани мантиқий ўйлашга, тафаккур қилишга, хулоса ва қарорлар қабул қилишга

кўмаклашувчи қўникмалар деярли шаклланмайди. Демак уйга топшириклар бериш жараёнида интерфаол методлардан, айниқса “тоифалаш” методи ва “Кроссворд” тузиш усулидан фойдаланилса талабалар ўз билимларини ривожлантириш билан бирга маълумотларни мустақил равишда таҳлил қилиш орқали ўзлаштиришга, ижодий мулоҳаза юритишга, шахсий хуносалар асосида эркин фикр юритишга ўргатилади, шунингдек ахборотларни қайси тоифадаги бўлимга тегишли эканлигини аниқлаш ҳамда улардан саволлар тузиб кроссвордда ифодалаш жараёнида мантиқий фикрлаш ва шахсий қобилиятлари ривожланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.М. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2019
2. Султонова Н.Б., Абдимуротов О.У. “Амалий география дарсларида интерфаол методлардан фойдаланиш”. “Таълим технологиялари” илмиy-услубий журнал. Тошкент, 2014-йил № 2(46)
3. Ражабов Ф.Т., Абдимуротов, О.У. “Табиий география курсларида амалий машғулотларни ташкил қилишда янги педагогик технологияларни қўллаш услубиёти”. Academic research in educational sciences (ARES). ISSN 2181-1385 VOLUME 1, ISSUE 4. DECEMBER 2020
4. Abdimurotov O.U. Kredit-modul tizimi sharoitida bo'lajak geografiya o'qituvchilarining mustaqil ta'limini tashkil etish shakllari. “Pedagogika” ilmiy-nazariy va metodik jurnal. 2023. 4-sont
5. Abdimurotov O.U. Geografiyanı o'qitishda mustaqil ta'limning o'rni va ahamiyati. “Globallashuv jarayonida innovatsion ta'lim va milliy tarbiya: integratsiyaga xos muammolar, bahslar va yechimlar” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. Termiz, 27-may 2023-yil
6. Abdimurotov O.U. Talabalarning mustaqil ta'lim olish imkoniyatlarini rivojlantirish mexanizmlari. “Zamonaviy biologiyaning dolzarb muammolari: yechimlari, istiqbollari va o'qitishda fan-ta'lim integratsiyasi” xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiyasi ilmiy ishlar to'plami. Chirchiq, 26-27-oktyabr 2023-yil
7. Abdimurotov O.U., Eshmanova N.N. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining mustaqil ta'lim olishlarida darsdan tashqari ishlarning o'rni va ahamiyati. “Zamonaviy biologiyaning dolzarb muammolari: yechimlari, istiqbollari va o'qitishda fan-ta'lim integratsiyasi” xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiyasi ilmiy ishlar to'plami. Chirchiq, 26-27-oktyabr 2023-yil